



1852 йил 5 июнь куни **"Scientific American"** журналида **"Кадимги даврлардан колган мерос"** номли мақола чоп

этилди:

**"Бир неча кун олдин Дорчестердаги мутавожех Холл жанобларининг меҳмон уйидан бир неча ўн метр жанубда жойлашган текисликда портлаш ишлари олиб борилди. Кучли портлаш катта микдорда тош тоғ жинсларини парчалади. Айрим тош гилбларининг огирлиги бир неча тонна бўлган ва улар ҳар тарафга сочилган. Портлаш оқибатида иккига бўлинган металл идиш топилди. Унинг икки бўлагини қўшиб қўрилганда, идиш қўнгироксимон шаклда экани аниқланди. Унинг баландлиги 11,3 см, асоси 16,5 см, оғзи эса 6,3 см кенгликка эга бўлиб, деворлари тахминан 0,3 см қалин эди.**

**Идиш металлдан тайёрланган бўлиб, ранги цинк ёки катта микдорда қумуш қўшилган қотишмани эслатар эди. Идишнинг деворлари олти хил гул тасвирлари билан безатилган бўлиб, улар соф қумушдан инкрустация қилинган эди. Шунингдек, идишнинг пастки қисми ҳам қумуш билан безалган узум шохлари ёки тўр қаби тасвирланган эди. Резьба ва инкрустация шундай уста қилиб бажарилганки, бу буюм санъат дурдоналаридан бири сифатида баҳоланиши мумкин.**

**Портлаш оқибатида тош ичида ётган ва 4,5 метр чуқурликдан чиқиб кетган ушбу сирли ва жуда қизиқарли идиш ҳозирда Жон Кеттелл жаноблари қўлида**

сакланмокда. Якинда Шаркка сафар килган доктор Ж. Смит бу ерда юзлаб кизикарли майший буюмларни ўрганиб, уларни чизган. У бу каби буюмни ҳеч қаерда кўрмаганини айтади. У идишни чизиб, унинг ўлчамларини аниқлаб, олимларга текшириш учун такдим этди. Тўлиқ аниқлангани шундаки, идиш портлаш натижасида тоғ жинслари билан бирга сочилган, аммо у қандай қилиб тош ичида мустаҳкам ўрнашиб қолганини профессор Агассис ёки бошқа олим тушунтириб бера олармикан? Бу буюм энг мукамал тадқиқотга лойик, чунки бунда ҳеч қандай сохталик бўлиши мумкин эмас."

Бостон-Дорчестер ҳудуди геология харитасига кўра, ушбу тоғ жинси (Роксбери конгломерати) докембрий даврига оид бўлиб, унинг ёши 600 миллион йилдан ошади. Олимларнинг фикрига кўра, докембрий даврида ер юзида факатгина ҳаёт пайдо бўлаётган бўлган. Аммо Дорчестер идиши 600 миллион йил аввал Шимолий Америкада металл ишлашни мукамал ўзлаштирган хунармандлар бўлганлигини кўрсатмокда."